

Таъзия



12:52 / 14.02.2025 1667

«Hilol Nashr» нашриёт - матбааси ҳамда Islom.uz портали жамоаси Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани «Тоқчилик» жомеъ масжиди имом ноиби, «Қуръони Карим ва тажвид» ўқув курси ўқитувчиси Ансориддин қори Мамарасуловнинг вафоти муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига, шогирдларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!